

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 81'443.3-139

РАҲИМОВ АЗАМАТЖОН УСМАНЖАНОВИЧ

**ФУЗИЯ ЛИСОНИЙ ТИПИНИ КВАНТИТАТИВ ВА
СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАДҚИҚ ЭТИШ
(ЎЗБЕК ТИЛИ МИСОЛИДА)**

10.02.19. – Тил назарияси

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2009

Диссертация Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети Тилшунослик кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:	филология фанлари доктори, профессор Нурмонов Абдухамид
Расмий оппонентлар:	филология фанлари доктори, профессор Муҳамедова Саодат филология фанлари номзоди, доцент Маҳкамов Неъмат
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Ҳимоя Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги К.067.44.02. рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил ноябрь ойининг 17 куни соат 14:00 да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100138, Тошкент, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-а уй. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Илмий кутубхонасида (100138, Тошкент, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-а уй) танишиш мумкин.

Афтореферат 2009 йил октябрь ойининг 16 куни таркатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
филология фанлари номзоди, доцент

Д.М.Тешабоева

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги глобаллашув ва интеграция жараёнида илм-фанни янада юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Юртбошимиз Ислон Каримовнинг таъкидлашича, маданият, санъат, фанни ривожлантириш, уни янги давр, янгича дунёқараш нуқтаи назаридан тараққий топтириш давлатимиз ва жамиятимиз истиқболининг устувор йўналишларидан биридир¹. Ушбу дастуруламалнинг тилшунослик фанидаги ижросини таъминлаш мақсадида фузия лисоний типини янгича ёндашувлар асосида тадқиқ қилишни лозим топдик.

Морфологик тасниф муаммоси тилшунослик тарихида қарийб 200 йил давомида турли ёндашувлар асосида тадқиқ этиб келинди. Лекин эришилган натижалар ўзидан олдингисини муайян даражада такрорлайверганлиги, уларнинг а priori (соф мантикий мулоҳазалар йўли билан баён этилган) характер касб этганлиги ва тадқиқотларда асосан тавсифий усулнинг етакчилик қилганлиги тасниф муаммосининг узил-кесил ҳал этилмаслигига сабаб бўлди. Рус тилшуноси Г.А.Климов бу ҳақида шундай ёзади: “Замонавий тилшуносликда кенг эътироф қилинган типологик (морфологик деб аталувчи) таснифнинг талабга жавоб бермаслиги шу билан изоҳланадики, тасниф жараёнида мезонлар турлича белгиланган ва умумий маънода лисоний типлар билан иш кўрилган. Аслида “тилдаги типлар”, яъни муайян тилларда кузатиладиган лисоний типлар асосида иш кўрилиши лозим”.² Тўғри таъкидланганидек, шу кунгача ишлаб чиқилган тасниф намуналарида “тилдаги типлар” алоҳида-алоҳида тадқиқ этилмаган, бу эса таснифларнинг ўта рационаллашувига, кўпгина тиллардаги типологик белгиларнинг юзага чиқмаслигига сабаб бўлган. Бизнингча, эталон даражасида белгиланган ҳар бир лисоний тип аниқ тиллар мисолида изчил ўрганилса, уларнинг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилса, ўша тил материалида қай даражада кузатилиши белгиланса, мазкур муаммо маълум даражада ўз ечимини топади. Шу нуқтаи назардан фузия лисоний типини ўзбек тили типологик белгиларининг бир қирраси сифатида тадқиқ қилиш бугунги тилшуносликнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бизнингча, лисоний тип муаммосининг ягона ечими – мумтоз тилшунос олимларнинг бу соҳадаги буюк ишларини эътироф этган ҳолда, тилларнинг структурал-типологик белгиларини замонавий ёндашувлар асосида талқин ва тадқиқ қилишдир. Бунда Ж.Гринберг (1963), Р.Белл (1978), Н.Перкинс (1980, 1989), М.Драйер (1989), Р.Рижков (1998), Д.Баккер (2005), Ж.Сонг, Е.Маслова (2006)³ каби олимларнинг тадқиқотларидаги миқдорий параметрларга

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. - Б. 238.

² Климов Г.А. К взаимоотношению генеалогической, типологической и ареальной классификаций языков // Теоретические основы классификации языков мира. – М., 1980. - С. 18.

³ Қаранг: Maslova E. A Dynamic Approach to the Verification of Distributional Universals // Linguistic Typology. 2000. - № 4. - P. 307-333; Rijkhoff R., Bakker D. Language Sampling // Linguistic Typology. 1998. - № 2. - P. 263-314. Croft W. Typology and Universals. – Cambridge: Cambridge University Press, 1990. - P. 27-34.

асосланадиган квантитатив ёндашув ҳамда тилларнинг политипологик хусусиятга эгаллигини очиб берувчи синергетика фалсафасини морфологик таснифга татбиқ қилиш долзарблик касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида Ф.Шлегель, А.Шлегель, В. фон Гумбольдт, А.Шлейхер, Г.Штейнталь, М.Мюллер, Ф.Мистели, Ф.Финк, И.А.Бодуэн де Куртенэ, Ф.Фортунатов, Э.Сепир, Р.Якобсон, Ж.Гринберг, М.Гухман, Б.А.Серебренников, А.К.Боровков, А.Н.Кононов, В.Г.Гак, И.Мещанинов, В.Скаличка¹ каби олимлар лисоний тип муаммосини турли аспектларда ўрганганлар. Ўзбек тилшунослигида эса А.Ғуломов, Ж.Бўронов, А.Абдуазизов, Ў.Юсупов, А.Нурмонов, Т.Мирзакулов, Ғ.Ҳошимов, Д.Набиева² каби олимларнинг шу соҳага доир тадқиқотлари мавжуд, лекин шу кунга қадар тилларнинг типологик белгиларига миқдорий ёндашув, ўзбек тилида фузиянинг кўринишлари, фузия ва флексия орасидаги тафовут яхлит ҳолда монографик тадқиқот объекти бўлган эмас.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети Тилшунослик кафедраси илмий тадқиқот режасига киритилган “Тилни система сифатида ўрганиш” муаммосининг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу мавзу Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети Илмий-техникавий кенгашида (4-сонли баённома, 2008 йил 5 февраль) ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги хорижий тиллар бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини тасдиқловчи Мувофиқлаштирувчи кенгашда муҳокама этилиб (7-сонли баённома, 2008 йил 24 сентябрь) тасдиқланган.

Тадқиқот мақсади. Фузия лисоний типининг моҳиятини ўзбек тили мисолида очиб бериш, синергетика фалсафасининг асосий тамойиллари ва

¹ Қаранг: Гумбольдт В. О сравнительном изучении языков применительно к различным эпохам их развития // Звегинцев В.А. История языкознания XIX–XX веков (в очерках и извлечениях). – М.: Просвещение, 1960. Т. 1. – С. 68-86; Бодуэн де Куртенэ. Избранные труды по общему языкознанию. В 2-х т. – М., 1963; Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М., 1993; Jacobson R. Typological Studies and their Contribution to Historical Comparative Linguistics // Proceedings of the 8th International Congress of Linguistics. – Oslo, 1958; Гринберг Ж. Квантитативный подход к морфологической типологии языков // Новое в лингвистике. – М., 1963. – № 3. – С. 60-94; Серебренников Б.А. Причины устойчивости агглютинативного строя и вопрос о морфологическом типе языка // Морфологическая типология и проблема классификация языков. – М. – Л. 1965. – С. 200-207; Боровков А.К. Агглютинация и флексия в тюркских языках // Морфологическая типология и проблема классификация языков. – М. – Л. 1965. – С. 122; Скаличка В. Типология и тождественность языков // Исследование по структурной типологии. – М., 1969. – С. 73-81; Кононов А.Н. О фузии в тюркских языках // Структура и история тюркских языков. – М., 1971. – С. 107-120.

² Қаранг: Гулямов А.Г. О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке // Научные труды. ТашГУ, - № 211. – Ташкент, 1963; Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркского языков. – М.: Высшая школа, 1983; Абдуазизов А. Элементы общей и сравнительно-типологической фонологии. – Ташкент: Фан, 1981; Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: Фан, 2007; Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990; Мирзакулов Т. Ўзбек тили морфемикасида парадигматик ва синтагматик муносабатлар. – Хўжанд, 1993; Хошимов Г.М. Типология сложного предложения в разносистемных языках: Автореферат дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 2002; Набиева Д. Фузия натижасида ҳосил бўлган ўзак морфемалар вариантлилиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. - № 5. - Б. 21-23.

микдорий параметрларни ўзбек тилига татбиқ этиш ушбу диссертациянинг асосий мақсади саналади.

Тадқиқот вазифалари. Диссертацияда назарда тутилган асосий мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш орқали эришилди:

- тил (морфологик) типларининг ўрганилиш тарихи ва тараққиёт йўлини ёритиш;
- фузия хусусидаги илмий қарашларни белгилаш, унинг флексия ҳодисаси билан муносабатини ва фарқли жиҳатларини таҳлил этиш;
- ўзбек тилида фузия унсурларини (агглютинация занжири узиладиган ҳолатларни) аниқлаш;
- фузия ва агглютинацияни квантитатив метод ёрдамида тадқиқ қилиш;
- тилларнинг айрим типологик белгиларига синергетика тамойиллари асосида ёндашиш;
- морфологик таснифнинг нисбийлиги, тилларнинг политипологик хусусиятга эгаллиги ҳақидаги қарашларни ўзбек тили мисолида таҳлил этиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини тилларнинг структурал-типологик хусусиятлари, политипологик характери ва лисоний типлар ташкил этади. Мавзуни ёритиш жараёнида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, Назар Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам” асарларидан олинган матн фрагментлари, мисоллар фактографик материал бўлиб хизмат қилди. Тилларнинг морфологик қурилишини тавсифлашда микдорий параметрлар ва синергетика тамойиллари тадқиқот предмети саналади.

Тадқиқот методлари. Ишда тилшуносликдаги тавсифлаш, қиёслаш, сўзни изоҳлаш, таснифлаш, дистрибутив, этимологик таҳлил ва квантитатив методлардан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Тилларни морфологик белгиларига кўра таснифлаш жараёнида микдорий параметрларни татбиқ этиш лисоний типларнинг ҳақиқий квантитатив баҳосини белгилайди. Бунда кўппараметрлилик тамойили асосида тилларга типологик жиҳатдан тавсиф берилади.

2. Ҳар қандай тилда мавжуд типологик белгилар (агглютинация, фузия, синтетизм, аналитизм каби) турли даражада учрайди. Бу эса ихтиёрий тилнинг политипологик хусусиятга эгаллигини кўрсатади.

3. XX–XXI асрларда фан парадигмаси дея эътироф қилинган синергетика тамойиллари (хаос ва космос муносабати, флуктуация, бифуркация, диссипация, аттракция, коэволюция) оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ) ни адекват ҳолда акс эттиради. Айниқса, ўзбек тили материалида фузия унсурлари ва унинг агглютинацияга муносабатини ёки инглиз тилидаги агглютинация тенденцияси ва унинг фузия билан муносабатини тушунтиришда синергетика фалсафаси муҳим аҳамият касб этади.

4. Ўзбек тилида фузия тенденцияси ҳамда бошқа типологик белгиларнинг турлича микдорий кўрсаткичларда намоён бўлиши тилларнинг синергетик парадигма асосида тараққий этишини амалий жиҳатдан асослайди.

Ишнинг илмий янгилиги. Ушбу тадқиқотда морфологик типлар назариясига квантитатив метод ва синергетика тамойиллари асосида ўзбек тилшунослигида шу давргача қўлга киритилган ютуқларга суяниб, қуйидаги янгиликларга эришилди:

- тилларнинг морфологик таснифига синергетика фалсафаси тамойиллари асосида ёндашилди;
- синергетикадаги таянч тушунчаларга боғлиқ тил хусусиятлари ўзбек тилидаги фузия мисолида таҳлил қилинди;
- фузия ва флексия ҳодисасининг ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланди;
- ўзбек тилшунослигида фузиянинг турли фонетик ва морфонологик кўринишлари ўрганилди, таҳлил қилинди ва таснифланди;
- фузия ва агглютинация тиллар типологиясидаги квантитатив метод ёрдамида ўзбек тили мисолида тадқиқ этилди;
- тилларнинг политипологик характери инглиз тилида агглютинациянинг ўсиши, ўзбек тилида мавжуд фузия унсурларининг кўплиги мисолида қиёсий таҳлил қилиниб исботланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқотнинг назарий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- назарий тилшуносликда фузия ва флексия ҳодисаларининг фарқланиши, ўзбек тили мисолида фузия кўринишларининг аниқланиши тиллар типологияси учун асосий назарий омил бўлади;
- ўзбек тилидаги фузия ва инглиз тилидаги агглютинация унсурлари қайси ҳолатларда учрашни белгилаш ўзбек тилини политипологик аспектда илмий ўрганиш учун қимматли манба бўлади;
- тил ҳодисаларини синергетик нуқтаи назардан тадқиқ этиш учун янги илмий парадигма яратиш учун асос бўлади;
- тил фактларини квантитатив метод асосида ўрганишга йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, ундаги материаллар тиллар типологияси, ўзбек тили морфонологиясига бағишланган дарслик ва ўқув қўлланмалари тузиш учун асос бўлиши, назарий семинарлар, махсус курслар учун мавзу бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўзбек тилидаги фузия унсурларининг микдорий характеристикаси таржимон дастурлар учун тайёр лингвистик таъминот сифатида алоҳида аҳамиятга молик. Чунки ўзбек тилида таржимон дастурларнинг ишлаш самарадорлигини 90% га чиқариш имконияти мавжуд (фузион тилларга нисбатан олиб қаралганда). Ўзбек тилида ўзакка қўшимча қўшилиш тартиби осон, занжирли тарзда, унда фузия унсурлари камроқ. Бу эса уни компьютерга мослаштириш ва программалаштириш учун оптимал ҳолатдир. Бу жиҳатдан ўзбек тили фузион тилларга нисбатан устун туради.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация иши натижаларидан Андижон давлат университети 5220100 – Филология (Ўзбек филологияси) йўналишидаги бакалаврларга “Тилшунослик назарияси”, “Умумий тилшунослик” фанларидан, 5A220102 – Лингвистика (ўзбек тили) йўналишидаги магистрларга

“Тилшунослик тарихи”, “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси” фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация мавзуси бўйича “Туркий-сўғдий синтез ва маданий мерос тараққиёти муаммолари” номли халқаро илмий конференцияда (Ўш, 2004), Ўзбекистон Миллий университетида “Тилшуносликнинг долзарб масалалари” (Тошкент, 2004), Тошкент давлат шарқшунослик институтида “Шарқ филологияси ва хорижий мамлакатлар тарихи” (Тошкент, 2004), “Филологиянинг долзарб муаммолари” (Фарғона, 2008), “Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий методологик асоси” (Андижон, 2008) номли Республика илмий-назарий анжуманларида маърузалар қилинди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни бўйича Республикадаги илмий журналларда (3), халқаро миқёсда (1) ва илмий тўпламларда (4) – жами 8 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шунингдек, 10 та жадвал, 1 чизма ва илова (гlossарий)дан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 158 саҳифани ташкил этади.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида танланган мавзуни айнан ўрганган олимларнинг ишларига умумий шарҳ тарзида баҳо берилган ва мазкур диссертацияда муаммонинг қайси жиҳатлари тадқиқ этилиши баён қилинган.

Тадқиқотнинг I боби **“Тилларнинг морфологик таснифи: ёндашувларнинг тадрижий тараққиёти”** деб номланган бўлиб, у тўрт бўлимни ўз ичига олган:

1.1. бўлим “Лисоний тип муаммосининг фундаментал талқини” деб номланган. Унда лисоний тип муаммоси, тилларнинг морфологик таснифи масаласининг тадрижий тарзда ўрганилиш тарихи атрофлича ёритилган. Лисоний типларнинг ўрганилиши узок тарихга ва тараққиёт йўлига эга. Бунда қуйидаги олимларнинг буюк хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор: Ф.Шлегель, А.Шлегель, В. фон Гумбольдт, А.Шлейхер, Г.Штейнталь, М.Мюллер, Ф.Бопп, Ф.Мистели, Ф.Финк, Ф.Фортунатов, А.Дюпонсо, Э.Сепир, Ж.Гринберг. Ҳар бир олим тилларни типларга ажратиш жараёнида ўз назарий концепцияси асосида ёндашган, бу эса таснифнинг турлича бўлишига олиб келган.

1.2. бўлим “Типлар назариясида туб бурилиш ва янгича ёндашув” деб номланган бўлиб, унда типлар назариясига градуал (даражама-даража белгиланувчи) тамойилни олиб кирган америкалик тилшунос Эдвард Сепирнинг “координатали таснифи” алоҳида талқин қилинган. Э.Сепир морфологик тасниф муаммосини янгича ёндашув асосида изчил ўрганиб, тилларнинг тўрт таснифини эълон қилди. Олимнинг буюк хизмати шундаки, у тиллар умумтипология таҳлилининг янги методологиясини ишлаб чиқди.

1.3. бўлим “Квантитатив метод ёрдамида тасниф муаммосининг ҳал этилиши” деб аталган. Бу бўлимда Ж.Гринберг тавсия қилган квантитатив метод

асосида ўзбек тилида мавжуд морфологик типларнинг миқдорий характеристикалари, уларнинг учраш даражаси аниқ белгиланди.

Тилшунослик фанида назарий тавсифлар билан бирга миқдорий характеристикалар ҳам зарур. Муайян тилнинг қайси типга мансублигини аниқ белгилашда, муайян типологик белгиларнинг тиллардаги мавқеини аниқлашда квантитатив метод жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки илмда баъзан назарий фикрлар амалиёт билан мувофиқ келмай қолади. Бинобарин, фақат куруқ назариябозлик билан илмий ҳақиқатга эришиб бўлмайди. В.З.Демьянковнинг фикрича, Ж.Гринберг тавсия этган метод тилшуносликда мавжуд бўлган картотекалаш усулидан кўра ишончлироқ ва аниқроқдир¹. Ў.Қ.Юсупов ҳам қийосланаётган тиллардаги тенденцияларнинг аниқ белгиланиши зарурлигини долзарб вазифа сифатида кўрсатган². Шу маънода тадқиқотимизда квантитатив метод ўзбек тилига татбиқ этилган. Бунда асосан 8 та индекс асосида 5 та 100 сўзли бадийий матн ажратиб олиниб, таҳлил қилинди. Маълумки, квантитатив ёндашув асосида амалга оширилган тадқиқотларнинг деярли барчасида эталон миқдор сифатида 100 та сўзли матн танланган, шунинг учун биз ҳам 100 сўзли матн танладик. Лекин шу ўринда айтиб ўтиш зарурки, 500, 1000 сўзли матнлар асосида ҳам ҳисоблашлар олиб бордик, уларда олдинги натижалар билан ўхшаш ҳолат юзага чиқди, аппроксимация қилинганда улар орасидаги нисбий хатолик даражаси ҳам бир хил бўлиб чиқди. Шундан сўнг 100 сўзли матн асосида олинган натижалар диссертациядаги назарий хулосаларни амалий жиҳатдан қаноатлантира олади деб ҳисобладик.

Индекслар	1-матн	2-матн	3-матн	4-матн	5-матн
I. Аналитизм	0,09	0,09	0,08	0,10	0,07
II. Синтетизм:	0,73	0,79	0,80	0,88	0,80
1. Фузия	0,05	0,07	0,07	0,05	0,06
2. Агглютинация:	0,78	0,79	0,80	0,90	0,85
А. префиксация	0,00	0,00	0,00	0,00	0,01
Б. суффиксация:	0,84	0,79	0,82	0,89	0,86
а) деривация	0,05	0,07	0,10	0,07	0,04
б) реляция	0,73	0,71	0,75	0,79	0,72

Жадвалда кўрсатилган тенденцияларнинг барчаси ўзбек тилида квантитатив жиҳатдан фарқланган ҳолда учрайди. Бу эса ҳар қандай тилни *мономорфологик аспектда* эмас, балки *политипологик аспектда*³ тадқиқ этиш тилшунослик фани учун долзарблик касб этишини англатади.

1.4. бўлим “Морфологик таснифга синергетика тамойилларининг татбиқи” деб номланган бўлиб, унда тилларнинг морфологик таснифи янги фан парадигмаси ҳисобланган синергетика тамойиллари асосида талқин этилган.

XX асрнинг 70-йилларида немис олими Г.Хакен ва бельгиялик олим, Нобель мукофоти совриндори И.Пригожин фанга янги методологияни олиб кирди. Г.Хакен ўз қарашларини “Синергетика”, “Табиат сирлари” (“Тайны природы”), И.Пригожин эса “Хаосдан тартиб” (“Порядок из хаоса”) номли китобларида аниқ далиллар билан исботлаб берди.

¹ <http://infolex.ru//В.З.Демьянков.Морфологическаяинтерпретациятекстаиеёмоделирование.>

² Қаранг: Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: Фан, 2007. - С. 14.

³ Қаранг: Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – М.: Просвещение, 1989. - С. 31; Good J. Linguistic Universals and Language Change. – Oxford: Oxford University Press, 2008. - P. 54-57.

Синергетика (юнонча synergeia – “ҳамкорлик”, “ҳамжиҳатик” маъноларини англатади) – табиатдаги мураккаб тизимларда ўз-ўзини шакллантириш (ташқил қилиш) жараёнини, эволюциянинг қай босқичида хаос ижобий рол ўйнаши, хаосдан тартибнинг пайдо бўлиши, қонуниятдан четлашиш ҳолатлари (флуктуация), беқарор ва барқарор ҳолатлар, чизикли ва чизиксиз тараққиёт, ривожланишнинг кўпмуқобиллилиги каби масалаларни ўрганади¹.

Синергетика нуқтаи назаридан ижтимоий тизимнинг ҳар бир ҳолати **бифуркация** ҳолатидир. Буни ижтимоий моҳиятга эга бўлган тил ҳодисасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Яъни ҳеч бир тилда маълум тип абадий яшамайди, балки тарихий тараққиёт натижасида ҳар бир тилда муайян типологик ўзгаришлар юз беради. Тилда бир тип унсурлари сусайиб, иккинчи бир тип кучайиб бориш тенденцияси кузатилган нуқта тил тизимидаги бифуркация ҳолатига мисол бўлади. Масалан, далиллар шуни кўрсатяптики, қадимги инглиз тилида (Old English) фузия тенденцияси устувор бўлган, лекин замонавий инглиз тилида (Modern English) агглютинация тенденцияси кучаймоқда. Хитой, мўғул ва араб тилларининг типологик белгиларида турли инновацияларнинг юзага келаётгани² мазкур тиллар тараққиётининг ҳам бифуркация ҳолатида эканини, кейинроқ барқарор ривожланиш йўли – **аттракция** босқичига ўтишини белгилайди.

Флуктуация синергетикадаги асосий тамойиллардан бири саналади, у барқарор ҳолатдан четлашишни билдиради, у системани тўла эгаллаб олиб, унинг мавжудлик тартибини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин³. Тилшуносликда флуктуацияга мисол сифатида сингармонизмнинг ўзбек тили материалида деярли йўқолиб бораётганлигини келтириш мумкин. Чунки сингармонизм туркий тиллар учун хос бўлган умумий қонуният ҳисобланади, лекин мазкур ҳодиса ўзбек тилида флуктуацияга учрамоқда. Ёки ўзбек тилида бошқа типга хос белгилар – фузион жараёнларнинг учраши агглютинация типига нисбатан четлашиш ҳолат – флуктуация саналади. Бу каби мисолларни тил системасидан яна кўплаб топиш мумкин.

Бугунги кунда иқтисодий синергетика, ижтимоий синергетика ҳақида фикр юритилар экан, серқирра табиатга эга бўлган тил тизимида ҳам ўзига хос **“лисоний синергетика” (лингвосинергетика)** мавжуд деб мулоҳаза юритиш жоиз бўлади. Бизнингча, лисоний синергетика тилда ўз-ўзини шакллантиришнинг умумий қонуниятларини, лисоний тартиб ва лисоний хаос муносабатдорлигини, тилнинг тадрижий тараққиётидаги типологик ўзгаришлар, янгиланишлар, бошқа сифат босқичига ўтиш жараёнларини **бифуркация** (ривожланишнинг иккига айрилиши), **полифуркация** (ривожланишнинг бир неча йўналишга тармоқланиши), **аттракция** (магнит

¹ Князева Е.Н. Саморефлексивная синергетика // Вопросы философии. 2001. - № 10. - С. 106-107.

² Қаранг: Солнцев В.М., Солнцева Н.В. Куда идёт китайский язык // Китайское языкознание: Изолирующие языки: IX международная конференция: Материалы. – М., 1998. - С. 15.; Шарбатов Г.Ш. Соотношение арабского литературного языка и современных арабских диалектов. – М., 1966. - С. 5-7.

³ Қаранг: Капица С.П., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего. – М.: Рипол, 1997. - С. 24.

кутблари каби ўзига тортувчи ривожланишнинг барқарор ҳолати), *флуктуация* (барқарор қонуниятдан оғиш, четлашиш ҳолати) тамойиллари асосида талқин этишга йўналтирилган парадигмадир. Бунга кўра, ривожланиш бир тартибдан иккинчи тартибга ўтувчи “чизиқли” йўналишда эмас, балки у кўпвариантлик, тасодифий ўзгаришлар, беқарорлик хусусиятларига эга бўлган “чизиқсиз” характерга эгадир.

Синергетика фалсафасига кўра табиатдаги, оламдаги сирли қонуниятлардан бири бу тасодифий жараёнлар, беқарор ҳолатларнинг тизим ичида нақадар муҳим аҳамият касб этиши ҳисобланади. Шунга кўра ўзбек тилининг типологик табиатини тавсифлашда фақат барқарор белгиларни эмас, балки беқарор, факультатив жиҳатларни ҳам назарда тутиш жоиз бўлади. Шу маънода фузия типини тадқиқ этишни лозим деб ҳисобладик.

Диссертациянинг II боби “**Фузия лисоний тип сифатида**” деб номланган, уч бўлимдан иборат:

2.1. бўлим “Фузия хусусида илмий талқинлар” деб аталган, унда тилшунослик тарихида шу кунга қадар фузиянинг олимлар томонидан тадқиқ этилиши, талқинлари ва терминологик луғатлардаги таърифи каби масалалар таҳлил қилинган.

Фузия лисоний тип сифатида тилшуносликка Э.Сепир томонидан киритилган¹. Э.Сепир фузияни инглиз тили мисолида талқин қилган ва уни **лисоний техника (linguistique technique)** сифатида баҳолаган. А.Н.Кононов эса туркий тилларда агглютинация типи устувор бўлса ҳам, фузия тенденциясининг ҳам кузатилишини кўрсатиб берган². А.Абдуазизов ва А.Нурмоновлар А.Н.Кононовнинг фикрларига ҳамоҳанг ҳолда ўзбек тили морфонологиясини баён этишда фузия элементларини ҳам назарда тутиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди³. Т.Мирзақулов фузияни ўзбек тили морфемалар синтагматикасининг мураккаб табиатини исботловчи омиллардан бири сифатида баҳолаган ва унинг мавжуд кўринишларини таҳлил қилган⁴.

Терминологик луғатларда фузия турлича изоҳланади. Жумладан, О.С.Ахманова уни қуйидагича шарҳлайди: “Фузия инглизча *fusion*, французча *fusion*, немисча *verschmelzung* сўзидан олинган бўлиб, ўзгарувчан ўзак билан ностандарт қўшимчаларнинг яхлит бирикиб кетиш жараёнини англатади, бу жараёнда морфемалар орасидаги чегара синади”⁵. Д.Э.Розенталь, М.А.Теленковалар эса фузияга шундай таъриф берганлар: “Фузия (французча *fusion* – сингишув, лотинча *fusio* – эриб кетиш маъноларини англатади) – турли товуш таркибининг ўзгариши ҳисобига морфемалар сингишувининг юз бериш жараёнидир, морфемаларнинг бирикув жараёнида орадаги чегаранинг

¹ Реформатский А.А. Агглютинация и фузия как две тенденции грамматического строение слова // Лингвистика и поэтика. – М., 1987. – С. 54-55.

² Қаранг: Кононов А.Н. О фузии в тюркских языках // Структура и история тюркских языков. – М., 1971. – С. 107.

³ Қаранг: Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 78-79; Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 21.

⁴ Қаранг: Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфемикасининг асосий аспекти ва уларнинг муносабати. – Хўжанд. 1992. – Б. 53-54.

⁵ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1966. – С. 505.

йўқолишидир”¹. А.Ҳожиев фузияни қуйидагича изоҳлайди: “Фузия (французча *fusion* – қўшилиш, туташуш; лотинча *fusio* – қуйиш, қуйма) – фонема таркибининг ўзгариши (ёнама-ёна фонемаларнинг сингишуви) натижасида фонемалар чегарасининг ноаниқлашуви, бир фонеманинг ҳар икки морфема таркиби учун умумий бўлиб қолишидир”². Демак, терминологик луғатларда фузия турлича талқин этилган бўлса ҳам, моҳият жиҳатидан бир нуқтага бориб тақалади.

2.2. бўлим “Флексия ва фузия дифференциацияси” деб номланган бўлиб, бу бўлимда флексия ва фузия ҳодисалари орасидаги умумийлик ва фарқли жиҳатлар ўз аксини топган, флексия ва фузиянинг лингвистик моҳияти талқин этилган.

Фузия ҳақидаги қарашлар пайдо бўлгунга қадар агглютинация типига зид қўйилган тенденция флексия ҳисобланган³. Тилшуносликда “**флексия**” термини остида қуйидаги маънолар тушуниланган:

1. Кенг маънода грамматик маънонинг ифодаланиши ва грамматик маънога ишора қилувчи формант. Кўпгина адабиётларда флексия рус тилидаги “окончание” терминига маънодош термин сифатида берилган, бунда флексия суффиксга зид қўйилади. Бу жиҳатдан агглютинатив тил ҳисобланган туркий тилларда флексия кучли ривожланган бўлиб чиқади. Бунда флексия тушунчаси ўз моҳиятига кўра агглютинация типига зид тип эканлиги аниқ сезилмай қолади. Шунинг учун ҳам Э.Сепир “флексия” нинг ўрнига “фузия” терминини қўллади. Флексияни бундай тушунишнинг ривожини янги йўналишнинг юзага келишига олиб келди: *флексив морфология (Inflexional Morphology)*⁴.

2. Тор маънода аблаут ва умлаут сифатида тушуниш (Я.Гримм талқини)⁵.

3. И.А.Бодуэн де Куртенэ талқини. Олим флексияни **мономорфизм** (юнонча *mono* – “бир”, *morph* – “шакл” маъноларини билдиради) дея талқин қилади. Яъни флексия сўзга бир марта қўшилади ва унинг кетидан аффикс қўшиб бўлмади, сўзни флексия тугатади. Олим флексияга агглютинацияни зид қўяди. Бунга кўра агглютинация **полиморфизм** (юнонча *poly* – “кўп”, *morph* – “шакл” маъноларини билдиради) деб баҳоланади. Яъни агглютинация тенденциясида сўзга аффикслар бирин-кетин қўшилаверади⁶.

4. **Полифункционаллик** сифатида тушуниш. Бунга кўра бир неча грамматик маъно бир грамматик шакл орқали ифодаланади. Бу “**ноль флексия**” термини билан аталади.

5. Э.Сепир талқини. Америкалик тилшунос Эдвард Сепир ўзининг типологик концепциясида ҳеч бир жойда флексив тил терминидан

¹ Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.: Просвещение, 1976. – С. 516.

² Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. – Ҳ. 126.

³ Қаранг: Маслов Ю.С. Введение в языковедение. – М.: Высшая школа, 1987. – С. 235.

⁴ <http://en.Wikipedia.org/wiki/inflexion>.

⁵ Қаранг: Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Просвещение, 1967. – С. 280-281.

⁶ Қаранг: Зубкова Л.Г. Лингвистические учения конца XVIII – начала XX в. – М.: Издательство университета дружбы народов, 1989. – С. 197.

фойдаланмаган. У “флексия” ни сўз ўзгартирувчи (реляцион) қўшимчалар билан боғлиқ ҳолда юз берадиган фузиянинг бир кўриниши сифатида таърифлайди.

Фузия ва флексия тилшуносликда жуда кўп ҳолларда бир-бирига синоним терминлар сифатида талқин қилинади. Бу эса жуда кўп тилшуносликка оид илмий китоблар, дарслик ва ўқув қўлланмаларида айтилиши илмий хатонинг такрорланишига олиб келган. Аслида фузия ва флексия тушунчалари бир-биридан ўз навбатида фарқланувчи ҳамда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки ёндош тушунчалардир. Яъни фузиянинг илмий термин сифатидаги моҳияти морфемалар қўшиливидаги чегара сигналининг йўқолиши ва сингишув жараёни билан боғлиқдир. Флексия терминининг лингвистик моҳияти эса асосан грамматик маънонинг ифодаланиши, реляцион қўшимчаларнинг бирикиш жараёни ва мана шу жараёнда юз берадиган айрим фонетик ўзгаришлар билан белгиланади.

2.3. бўлим “Фузиянинг тил-нутқ дихотомиясига муносабати” деб аталган, унда барча лисоний ҳодисалар каби фузия ҳам тил ва нутқ дихотомияси асосида талқин этилган. Бунда фузия тил учун хос бўлган белги – узуаллик ва нутқ учун хос бўлган белги – окказионаллик асосида таҳлил этилган. Ўзбек тилида кузатилган фузия кўринишларини тил ва нутқ сатҳига бўлган муносабатидан келиб чиқиб, уларни икки гуруҳга ажратганмиз: 1) *тил сатҳида мавжуд бўлган (узуал) меъёрий фузия*; 2) *нутқ сатҳида, шеваларда кузатиладиган (окказионал) номуъёрий фузия*:

1. *Бедди* ⇒ *Бер+ди*. Ушбу сўзда тил олди, сирғалувчи, жарангли, сонор ундош – “р” товушининг тил олди, портловчи, жарангли ундош “д” товушига тўлиқ ва контакт ассимиляциялашуви натижасида номуъёрий регуляр фузия юзага чиққан.

2. *Опкел* ⇒ *олиб кел*. Бу сўзда биринчи компонент таркибидаги ярим бўғин (“ли”) диарезага учраган (нутқ кечимида тушиб қолган) ҳамда биринчи сўзнинг сўнгги товуши “б” кейинги компонент таъсирида жарангсизлашган (“б” ⇒ “п”). Бу ўзгаришлар эса номуъёрий фузиянинг юз беришига олиб келган.

Диссертациянинг III боби “**Тил тизимида синергетик парадигманинг намоён бўлиши (фузия мисолида)**” деб номланган, ушбу боб 3 бўлимдан иборат:

3.1. бўлим “Тилнинг синергетик парадигма асосида ривожланиши” деб аталган, унда тил тараққиёти синергетик парадигма қонуниятларига мувофиқ юз бериши илмий асосланган. Тилшуносликда синергетик парадигмага асосланган ҳолда В.Аршинов, Я.Свирский, Б.Гёрцель, И.А.Герман, Г.Г.Москальчук¹ каби олимлар махсус тадқиқотлар олиб борган. Тил тизимида

¹ Қаранг: Аршинов В.И., Свирский Я.И. Синергетическое движение в языке // Самоорганизация и наука: опыт философского осмысления. – М., 1994; Goertzel B. Chaotic Logic: Language, Mind and Reality from the Perspective of Complex Systems Science. Plenum Press, 1994; Герман И.А. Речевая деятельность как самоорганизующаяся система (к становлению лингвосинергетической парадигмы). – Барнаул, 1999; Москальчук Г.Г. Структура текста как синергетический процесс. – Барнаул, 1999.

синергетик парадигманинг намоён бўлишини қуйидагилар билан асослаш мумкин.

Тил очик система сифатида ижтимоий муҳитда узлуксиз ўзаро таъсирлашув ҳисобига тараққий этади. Тил тарихий тараққиёт жараёнида мавжуд белгиларини йўқотиши, янги хусусиятлар касб этиши, аввалги ҳолатдан тубдан фарқ қилувчи янги структуралар ҳосил қилиши мумкин. Масалан, ҳинд-европа тилларининг бундан икки-уч минг йил олдинги келишик флексиялари, фузия билан характерланидиган мураккаб морфологияси, кучли синтетизм тенденцияси каби белгилари ўз ўрнини янги структураларга – агглютинация, аналитизм тенденцияларига бўшатиб бермоқда. Бу ҳолат тилларнинг диссипатив структуралар сифатида синергетик парадигма тамойилларига мувофиқ ривожланиш тенденциясига эгаллигини тасдиқлайди. Демак, ҳинд-европа тилларида келишиклар тизими синергетик парадигмага асосан флуктуацияга учраб борган. Аста-секинлик билан флуктуация келишиклар тизимига таъсир қилиб борган, натижада бифуркация механизми ишга тушган, флектив курилмалар ўрнини аналитик шакллар эгаллаб, фузияга нисбатан агглютинация устуворлик қила бошлаган.

Креол ва пиджин тиллар типи ҳам (креоллашув ва пиджинлашув жараёни) синергетик парадигма асосида тил контактлари таъсирида шаклланишини таъкидлаш лозим. Бунда янги креол ёки пиджин тил **диссипация** (инглизча *dissipate* – “тарқалиш”, “сочилиш” маъносини англатади; синергетиканинг асосий тамойилларидан бири, бунда бир структурадан янги структуранинг пайдо бўлиши тушунилади) қонуниятига мувофиқ шаклланади. Креоллашув жараёнида тил янги типологик тизимга эга бўлади, флуктуация, бифуркация, диссипация асосида тил бир тартибдан бошқа бир тартибга ўтади, бунда икки ёки ундан ортиқ тилларнинг корпоратив таъсирлашуви муҳим аҳамият касб этади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, янги сифат босқичига ўтиш жараёнининг қачон юз беришини олдиндан айтиб бўлмайди.

Тилшунослик тарихида тилнинг эволюцион тараққиёти ва динамикаси хусусида турли хил қарашлар мавжуд. Дастлаб XIX асрда уч тараққиёт фазаси – **аморфлик** ⇒ **агглютинативлик** ⇒ **флективлик** босқичлари кўрсатилди. XX асрга келиб тилларнинг стадиал тараққиёти **флективлик** ⇒ **агглютинативлик** ⇒ **аморфлик** тарзида юз беради деб белгиланди¹. Мазкур масалага синергетик парадигма нуқтаи назаридан ёндашилса, унинг айрим муаммоли жиҳатларига ечим топилади. Лисоний типларнинг тараққиётини соддадан мураккабга қараб боровчи “чизикли” йўналишда деб талқин қилиш, бизнингча, бир томонлама ёндашув ҳисобланади. Лисоний типлардаги ўзгаришларни кузатадиган бўлсак, уларнинг **“ночизик”** тараққиёт траекториясига эга бўлиши аён бўлади. Мазкур ҳолатни қийшиқ синусоидга ўхшатиш мумкин, тадрижий равишда у “эгри чизик” динамикаси бўйича тараққий этади.

Фузия лисоний типи туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили учун ноустувор ҳолат саналади, лекин ушбу беқарорлик тил системаси учун аҳамиятсиз эмас. Чунки лингвосинергетик парадигмада айни шундай факультатив жараёнлар,

¹ Қаранг: McMahon. Understanding of Language Change. – Cambridge: Cambridge University Press, 2001. - P. 21.

беқарор ҳолатлар жуда муҳим аҳамиятга молик ҳисобланади, уларни янги тартиб ва структураларнинг шаклланишига замин яратади дея ижобий баҳолаш мумкин. Бу ҳақида Е.Н.Князева шундай ёзади: “Беқарорлик очик системаларда тубдан янгиланишларга олиб келади. Умуман олганда, агар беқарорлик бўлмаса, демак, тараққиёт ҳам йўқ. Беқарорлик ривожланишни билдиради ёки бошқача айтганда, тараққиёт беқарорлик, тасодифий ҳолатлар, флуктуациялар асосида амалга ошади”¹. Шу маънода тилда ҳам лисоний типлар узлуксиз тарзда барқарорликдан беқарорликка ёки, аксинча, алмашилиб туради.

3.2. бўлим “Ўзбек тилида фузия кўринишлари флуктуация сифатида” деб аталган бўлиб, у ўз ичида 3 қисмга бўлинади:

3.2.1. “Регуляр фузия (агглютинация жараёнидаги фузия)” номи остида бўлиб, унда ўзбек тили мисолида агглютинация жараёни Европа олимлари таъкидлаганидек содда, “механик елимлаш” характерида эмаслиги аниқ мисоллар билан исботланган, морфемалар “чок”идаги фузион жараёнлар таҳлил этилган.

Агглютинация жараёни ҳамиша силлиқ, ўзгаришларсиз кечавермайди. Баъзан агглютинация занжиридаги муайян ҳалқалар “узилиб” қолиши мумкин, натижада ўзакнинг фонетик таркибида айрим ўзгаришлар юз беради, ўзак морфема ва аффиксал морфема орасидаги уланиш “чок”и худди фузион тиллардагидек сезилмас ҳолга келиб қолади. Айни шундай ҳолат агглютинация жараёнидаги фузия ёки регуляр фузия деб номланади. Масалан, “*сарғай*” сўзидаги ўзгаришни таҳлил этайлик: а) ўзак морфеманинг иккинчи бўғини таркибидаги “и” унлиси дастлаб интервокал ҳолатда редукцияга учрайди, сўнгра тушиб қолади (синкопа қонуниятига мувофиқ); б) ўзак морфеманинг сўнгги товуши “қ” унли товушнинг таъсирида “ғ” товушига ўтиши асосида аккомодация ҳодисаси юз берган.

Биз регуляр фузияга доир мисолларни фонетик ҳодисалар билан алоқадорликда таҳлил этиб, маълум кўринишларини умумлаштириб қуйидагича таснифладик:

I. Ассимиляция билан боғлиқ ҳолда юзага келган фузия:

1. *адаш* ⇒ *ат* + - *даш*. Ушбу сўзда аввало сингармонизм қонунияти бўртиб кўринади, “ат” сўзидаги унлига мос ҳолда “-дош” қўшимчасининг “-даш” варианты қўшилади. Ўзак “ат” аффикс “-даш” га бирикиш жараёнида “т” ундоши артикуляция ўрни, усули ва акустик белгиси жиҳатидан мослашиб, “д” ундоши билан ассимиляциялашуви юз берган.

2. *битта* ⇒ *бир* + - *та*. Бу сўзда контакт ҳамда тўлиқ ассимиляция ҳодисаси юз берган. Бу ўринда титроқ, тил олди, сонор “р” ундоши портловчи, тил олди, жарангсиз “т” ундоши билан ҳам артикуляция ўрни, усули ва акустик белгиси жиҳатидан мослашиб бир хил бўлиб олган.

II. Синкопа асосида юзага келган фузия.

1. Унли товушнинг тушиб қолиши натижасида юзага келган фузия: *йигла* ⇒ *йиги* + - *ла*. Бу сўзда ўзакка сўз ясовчи қўшимча қўшилгандан сўнг ўзак

¹ Князева Е.Н. Случайность, которая творит мир // В поисках нового мировоззрения: И.Пригожин, Е.Н.Рерихи. – М.: Знание, 1991. – С. 18.

морфема таркибидаги “и” унлиси синкопага учрайди. Бу эса ўзак ва қўшимча орасидаги уланиш “чок”ининг сингиб кетишига олиб келган.

2. Ундош товушнинг тушиб қолиши натижасида юзага келган фузия:

сусай $\Rightarrow$ *суст* + - *ай*. Ушбу сўзда “суст” ўзагига феъл ясовчи қўшимчанинг қўшилиши натижасида ўзак таркибидаги “т” ундоши тушиб қолган, оқибатда ўзак ажралмас ҳолга, агглютинация чоки сезилмас ҳолга келган.

3. Бир неча товушнинг тушиб қолиши натижасида юзага келган фузия:

кичкина $\Rightarrow$ *кичик* + - *гина*. Ушбу сўзда “кичик” ўзагининг фонетик таркиби ўзгаришга учраган, яъни кичрайтириш-эркалаш шаклини ҳосил қилувчи қўшимчанинг ўзакка қўшилиши жараёнида “и” ҳамда “к” ундошлари синкопага учраган, натижада ўзак морфема ва аффиксал морфема оралиғидаги чегаранинг йўқолишига сабаб бўлган.

III. Умлаут асосида юзага келган фузия: **англа** $\Rightarrow$ *онг* + - *ла*. Ушбу сўзда “онг” ўзагига феъл ясовчи қўшимчанинг қўшилиш жараёнида ўзакнинг биринчи товуши “о” умлаутга учрайди, яъни кейинги бўғиндаги “а” товуши ўзак морфемани ўзига мослаштириб олган. Бунда мослашув ўнгдан чапга қараб, сингармонизмга тескари пропорционал ҳолатда юз берган. Бу эса ўзакнинг дискрет ҳолда ажралиб туришини қийинлаштирган ва регуляр фузиянинг юзага чиқишига сабаб бўлган.

3.2.2. “Норегуляр фузия” деб аталган бўлимда кўпроқ сўзларнинг ўзак таркибидаги ички ўзгаришлари диахрон аспектда тадқиқ этилган, сўзларнинг этимонига қараб фузион жараёнлар аниқланган ва таҳлил қилинган.

Норегуляр фузияни юзага чиқарувчи лисоний омиллар қуйидагича умумлаштирилди:

I. Аблаут асосида юзага чиққан норегуляр фузия. Бунда ўзакнинг таркибидаги унли товушларнинг алмашинуви билан боғлиқ ҳолда ўзгариш юз беради: **“ака”** ва **“ука”** сўзлари ёшга кўра бир-бири билан оппозицияда туради, лекин ҳар икки сўз ҳам этимологик жиҳатдан умумий яқинликка эга. Улар тарихий жиҳатдан бир умумий ўзакка бориб тақалади. Келтирилган сўзларнинг дастлабки товушлари – “а” ва “у” товушларининг аблаути ўзакнинг урчишига ва норегуляр фузияга сабаб бўлган.

II. Ички флексия асосида юзага чиққан норегуляр фузия. Бунда ички флексия норегуляр фузиянинг юзага чиқишини таъминловчи омил сифатида баҳоланади. **“Ажрим”** ва **“айрим”** сўзларидаги ўзгариш бунга типик мисол бўла олади. Ажрим – икки томонни келиштирув қарори. Бу от асли *айыр* феълининг таркибидаги “й” ундоши “ж” ундошига алмашуви билан юзага келган *ажыр* шаклига -*ым* қўшимчасини қўшиб ясалган, шундан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, “а” унлиси “д” унлисига алмашган: *айыр* $\Rightarrow$ *ажыр* + *ым* $\Rightarrow$ *ажырим* $\Rightarrow$ *ажрым* $\Rightarrow$ *джерим*. Айрим – “алоҳида” маъносини англатади. Бу сифат эски ўзбек тилида *айыр* феълдан -*ым* қўшимчаси билан ясалган, қўшимча қўшилгандан сўнг иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, кейинчалик “а” унлиси “д” унлисига алмашган, “ы” унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: *айыр* + *ым*

⇒ айырым ⇒ айрым ⇒ дйрим». ¹ Бу сўзнинг этимологик таҳлилида шунга мос фикрни М.Миртожиев ҳам тасдиқлайди. ² Сўзларнинг этимонидан кўриниб турибдики, уларнинг келиб чиқиши бир манбага бориб тақалади. Лекин кейинчалик лексемаларнинг семантик тараққиёти натижасида улар орасидаги алоқадорлик бир оз сезилмас ҳолга келган. Бунда лексемалар ўзагининг ички таркибида “ж” ҳамда “й” товушлари алмашинуви таъсирида ички флексия юз берган, ўзак таркибининг синиши эса нерегуляр фузияни юзага чиқарган.

III. Ташқи флексия асосида юзага чиққан нерегуляр фузия:

1. “**Ўзмоқ**” ва “**ёймоқ**” (“ёз”омоним сўзининг маънолари) сўзлари тарихий жиҳатдан полисемантик сўзлар бўлган. Семантик тараққиёт натижасида маънолар орасидаги ички боғлиқликнинг йўқолиши натижасида улар омонимларга айланган. “З” ва “й” товушларининг альтернацияси таъсирида ушбу сўзларда ташқи флексия асосида нерегуляр фузия кузатилган.

2. “**Арч**” ва “**арт**” сўзлари бир ўзакнинг ташқи флексияга учрашидан ҳосил бўлган икки феъл лексемадир. Уларнинг этимони бир сўз – “**ары**” сўзи билан боғлиқ. Бу хусусда “Ўзбек тилининг этимологик луғати” да шундай изоҳ берилган: “**Арч** сўзи қадимги туркий тилдаги “поклан” маъносини англатган **ары** феълидан -**т** орттирма нисбат кўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган. **Арч** сўзи ҳам **ары** сўзи билан боғлаб тушунтирилади”. ³ Бу ерда ўзакнинг экстернал қисмида “ч” ва “т” тарзида ташқи флексия юз берган.

IV. Метатеза асосида юзага чиққан нерегуляр фузия:

1. **Киприк** сўзи тарихан морфемаларга ажралган, ҳозирда эса монолит ҳолга келиб қолган. Бунда сўзнинг этимологик таҳлили масалага ойдинлик киритади. “**Киприк** сўзи қадимги туркий тилда “кўп тикан” маъносини англатган **кирпи** отидан кичрайтириш маъносини ифодловчи -**к** кўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик **рп** ундошлари ўрин алмашуви юз берган: **кирпи** + **к** = **кирпи**к = **кипри**к. ⁴ Демак, бу сўзда контакт метатеза ҳодисаси натижасида ўзак ажралмас ҳолга келган. Бу эса нерегуляр фузиянинг юзага чиқишига олиб келган.

2. **Пайпоқ** сўзида дистант метатеза ҳодисаси юз берган, яъни сўзнинг иккинчи бўғинидаги “п” товушининг “қ” товуши билан ўрин алмашинуви юз берган: пай + қоп = пай**по**қ. ⁵ Бунда сўзнинг биринчи қисми таркибидаги “п” товуши кейинги қисмни ўз тузилишига мослаштириб олган, ўзаро таъсир натижасида сўзнинг иккинчи қисмидаги ауслаутдаги “п” товуши инлаутдаги “қ” билан позицияни ўзгартирган. Бундай товуш мослашувини янада аниқроқ тушуниш учун **қўлқоп** сўзи билан **пайпоқ** сўзини таққослаб кўрайлик. Ҳар икки сўзда ҳам анлаутдаги товушлар доминантлик қилиб, кейинги товушларнинг позициясини ўзига мослаштириб олмоқда – **қўлқоп** сўзида **қ** → **қ** га, **пайпоқ**

¹ Қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. - Б. 21-24.

² Қаранг: Миртожиев М. Ажра, айир, айил феъллари генезиси ва улар уяси // Ўзбек тили ва адабиёти, – Тошкент, 2000. - №1. - Б. 60-62.

³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. - Б. 32.

⁴ Қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. - Б. 209-210.

⁵ Қаранг: Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Университет, 1998. - Б. 86-87.

сўзида эса **п→п** га яқин позицияда турибди. Бунинг сабаби, бизнингча, талаффузда қулайликка эришиш тенденциясидир, чунки *пайқоп* деб талаффуз қилишдан кўра *пайпоқ* деб талаффуз қилиш осон ва қулайроқ.

3.2.3. “Sandhi ҳолатдаги фузия (композиция жараёнидаги фузия)” деб номланган, бунда икки мустақил лексеманинг бирикиш жараёнида чегаранинг йўқолиши, сингишув жараёни мисоллар билан таҳлил этилган:

1. **Оғайни** ⇒ *ога* + *ини*. Ушбу сўзда юз берган фузион жараён “Ўзбек тилининг этимологик луғати” да шундай тушунтирилган: “Бу сўз ўзбек тилида *вгд* ва *ини* сўзларидан тузилган *вгд-ини* жуфт сўзининг яхлитланиши билан юзага келган, яхлитлаб талаффуз қилиш муносабати билан *ини* қисми бошланишидаги “и” унлиси “й” ундошига алмашган”.¹ “Оғайни” сўзида иккинчи қисмнинг биринчи бўғини редукцияга учрайди ва ўртада туташтирувчи қисм пайдо бўлади, натижада sandhi қўлланган икки сўз ўртасидаги чегара сезилмас ҳолга келган.

2. **Бугун** ⇒ *бу* + *кун*. Ушбу сўзнинг иккинчи компонентидаги «к» товуши интервокал ҳолатга тушиб, жаранглилашув ҳодисаси юз берган («г» га алмашган), икки мустақил лексemani ажратиб турувчи чегара сигнали композиция жараёнида йўқолган, оқибатда sandhi ҳолатдаги фузия (композиция жараёнидаги фузия) юз берган.

3.3. бўлим “Инглиз тили бифуркация нуктасида: фузия ва агглютинация тенденцияси” деб аталган, унда фузион тил саналган инглиз тили мисолида бошқа морфологик тип – агглютинация кузатиладиган ўринлар таҳлилга тортилган. Биз фузион тилда агглютинация, агглютинатив тилда фузия учрашини таҳлил этиш билан тилларнинг политипологик характерга эга эканлигини, тилларнинг синергетик парадигма асосида ривожланишини амалий жиҳатдан исботлашни мақсад қилганмиз. Тил тараққиётининг кейинги даврларида инглиз тилида агглютинатив - аналитик белгиларнинг кучайиш жараёни кузатилмоқда.² Буни фактографик маълумотлар ҳам тасдиқламоқда. Инглиз тилида агглютинация типи қуйидаги ўринларда фаол учрайди:

I. Сўз ясалиши жараёнидаги агглютинация:

1. От ясовчи қўшимчаларда: *-er: read + er = reader; -ness: kind + ness = kindness; -hood: child + hood; -dom: king + dom = kingdom; -ship: friend + ship = friendship.*

2. Сифат ясовчи қўшимчаларда: *-able: change + able = changeable; -al: form + al = formal; -ent: insist + ent = insistent; -ful: doubt + ful = doubtful; -ish: child + ish = childish; -less: hope + less = hopeless; -ous: danger + ous = dangerous.*

3. Равиш ясовчи қўшимчаларда: *-ly: fluent + ly = fluently; -wise: clock + kwise = clockwise; -ward: down + ward = downward; home + ward = homeward.*

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. - Б. 265.

² Қаранг: Плоткин В.Я. Строй английского языка. – М.: Высшая школа, 1989. - С. 34; Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. - С. 172; Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - Б. 78-81.

4. Феъл ясовчи кўшимчаларда: -en: *deep* + *en* = *deepen*; ize: *symbol* + *ize* = *symbolize*; *modern* + *ize* = *modernize*; *ideal* + *ize* = *idealize*.

5. Префикслар (олд кўшимчалар):¹ anti-: *anti* + *freeze* = *antifreeze*; bi-: *bi* + *lingual* = *bilingual*; co-: *co* + *author* = *co-author*; counter-: *counter* + *attack* = *counter-attack*; dis-: *dis* + *satisfaction* = *dissatisfaction*; en-: *en* + *rich* = *enrich*; hyper-: *hyper* + *text* = *hypertext*; inter-: *inter* + *national* = *international*; mis-: *mis* + *understand* = *misunderstand*; non-: *non* + *smoker* = *nonsmoker*; over-: *over* + *estimate* = *overestimate*; poly-: *poly* + *syllabic* = *polysyllabic*; post-: *post* + *war* = *postwar*; pre-: *pre* + *school* = *preschool*; re-: *re* + *write* = *rewrite*; sub-: *sub* + *way* = *subway*; ultra-: *ultra* + *violet* = *ultraviolet*; un-: *un* + *do* = *undo*; under-: *under* + *line* = *underline*.

II. Форма ясалиши жараёнидаги агглютинация:

6. Отларнинг кўплик шакли -s(-es) кўшимчаси ёрдамида агглютинация усулида ҳосил қилинади, ўндан ортиқ отларгина фузия асосида грамматик кўплик маъносини англатади. Бунда фузияга нисбатан агглютинация тенденцияси устуворлик қилади: *book* + *s* = *books*; *day* + *s* = *days* каби.

7. Қаратқич келишиги (Genitive case): *John's car* – *Жоннинг машинаси*.

8. Сифат ва равишларда даража ҳосил қилувчи кўшимчалар -er ва -est формантлари: *short* + *er* = *shorter*, *soft* + *est* = *softest*.

9. Сон ҳосил қилувчи формантлар: *four* + *teen* = *fourteen*, *nine* + *ty* = *ninety*.

10. Феълларда ноаниқ ҳозирги замон (Present simple tense) нинг III шахс бирлик шакли -s (es) кўшимчаси: *work* + *s* = *works*, *discuss* + *es* = *discusses*.

11. Феълларнинг давом замон (Continuous tense form) шакли: *read* + *ing* = *reading*, *rain* + *ing* = *raining*.

12. Инглиз тилида тўғри феълларнинг (regular verbs) ўтган замон шакли агглютинация тенденцияси асосида сўзга қўшилади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, инглиз тили лексиконидаги феълларнинг асосий қисмини тўғри феъллар ташкил этади, нотўғри феъллар 250 дан ортиқ. Демак, инглиз тилида феълларнинг ўтган замон шаклини ҳосил қилишда агглютинация тенденцияси фузияга нисбатан асосий ўринни эгаллайди. 2007 йилда нашр этилган “Oxford Dictionary Thesaurus & Wordpower Guide” луғатида нотўғри феъллар 271 та кўрсатилган. Улардан 140 таси соф ҳолатда фузияга учраган нотўғри феъллар, 87 таси фузияга учраган феълларнинг префиксация (*for-*, *mis-*, *out-*, *re-*, *un-* каби олд кўшимчаларни 140 та феълнинг айримларига қўшилиши асосида) усули асосида қайта такрорланишидан ҳосил бўлган нотўғри феъллар, 44 тасининг айримлари супплетив усул билан ўзгаришга учраган, айримлари агглютинация асосида бириккан, айримлари ҳеч қандай ўзгаришга учрамаган нотўғри феъллардир. Демак, инглиз тилида агглютинация фузия тенденциясига қараганда доминантлик қилмоқда.

¹ Қаранг: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1986. – С. 103-104.

3. ХУЛОСА

1. Синергетика янги фан парадигмаси сифатида дунёнинг сирли манзарасини тушунтириб бермоқда, бунда хаос, диссипация, бифуркация, флуктуация, ночизик тараққиёт, коэволюция каби қонуниятлар мураккаб системаларнинг, хусусан, тил системасининг яшаш ва ривожланиш сабабларини изоҳлаб бермоқда. Ҳар қандай тилда устувор лисоний тип билан бир қаторда бошқа лисоний типларнинг ҳам кузатилиши тилдаги “синергетика” ни англатади. Негаки, синергетика юнонча *synergeia* – “ҳамкорлик”, “ҳамжиҳатик” маъноларини англатади. Бундан кўринадики, ҳар бир тил бир неча типларнинг ижобий маънодаги “ҳамкорлиги” асосида тараққий этади.

2. Тилда ҳар хил лисоний ва нолисоний таъсирларнинг тарқалиши натижасида янги белгилар, морфологик ва синтактик структуралар юзага келади. Хусусан, туркий тилларда фузия унсурларининг мавжудлиги, ҳинд-европа тилларида агглютинация, аналитизм тенденцияларининг учраши, хитой, вьетнам тилларида изоляция билан ёнма-ён агглютинация тенденциясининг ривожланаётганлиги, икки ёки ундан ортиқ тилларнинг корпоратив таъсирлашуви натижасида креол ва пиджин тилларнинг шаклланаётганлиги каби далиллар тилнинг диссипатив тизим эканлигини, ҳар хил эффектлар ҳисобига синергетик парадигма асосида тараққий этишини кўрсатади. Буни ўзига хос *лингвосинергетик парадигма* деб номлаш мумкин.

3. Тилда лисоний типларнинг стадиал тараққиёти “ночизик” тараққиёт траекториясига эга бўлади, яъни бир лисоний тип муайян вақт доминантлик қилади, тарихий тараққиёт жараёнида у синергетиканинг флуктуация, бифуркация, полифуркация қонунлари асосида “эгри чизик” динамикаси бўйича ривожланади. Муайян вақт оралиғида аввалги доминант лисоний тип ўрнини факультатив лисоний тип эгаллайди, кейинчалик ушбу тип ҳам бошқа лисоний типга ён беради. Шу тарзда лисоний типлар барқарорлик-беқарорлик, устуворлик-ноустуворлик, тартиб-тартибсизлик каби синергетик парадигманинг асосий тамойиллари асосида ривожланиш траекториясига эга бўлади.

4. Синергетик парадигма нуқтаи назаридан тилларнинг морфологик қурилиши, типологик белгилари халқларнинг тафаккур тарзи, дунёқараши ва рационал ривожланганлик даражасини кўрсатувчи мезон эмас. Ихтиёрий лисоний тип устувор бўлган тилда гаплашувчи халқлар инсоният тарихида юксак цивилизация ва маданият яратганлар. Тарихнинг маълум босқичидаги “маданий таназзул” ни тилларнинг типологик хусусиятлари асосида исботлашга уриниш масалага ғайриилмий (*квазифан, псевдофан*) ёндашув саналади.

5. Квантитатив ёндашув асосида олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ўзбек тили учун синтетизм, агглютинация, суффиксация, реляция тенденциялари доминант белгилар, аналитизм, фузия, префиксация тенденциялари эса флуктуация ҳисобланади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ушбу ҳолат тарихий тараққиёт жараёнида синергетик парадигма

қонунларига мувофиқ ўзгариш динамикасини намоён қилади, бунда юқоридаги белгиларнинг индекслари фарқланиши мумкин.

6. Тилшунослик тарихида флексия ва фузия ҳодисалари ўзаро эквивалент тушунчалар деган хато фикр ҳукмрон бўлиб келмоқда. Аслида улар орасида нозик фарқ мавжуд. Фузия ҳақидаги қарашлар шакллангунга қадар “флексия” фузия термини остидаги маънога эга бўлган. Флексия термини грамматик маънонинг турли хил усуллар ёрдамида ифодаланишига нисбатан, фузия термини эса морфемалар орасидаги “сингишув” жараёнига нисбатан ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

7. Тадқиқот жараёнида ўзбек тилида фузиянинг мавжуд кўринишлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилди:

- **Агглютинация жараёнида юз берувчи фузия (регуляр фузия)** – агглютинация занжиридаги муайян халқаларнинг “узилиб” қолиши натижасида ўзакнинг фонетик таркибида айрим ўзгаришлар юз бериши, ўзак морфема ва аффиксал морфема орасидаги уланиш чоки худди фузион тилларадагидай сезилмас ҳолга келиб қолиши демакдир.

- **Нерегуляр фузия** – ўзак морфеманинг ўзидаги ички ўзгаришларни қамраб олади. У узоқ тарихий тараққиёт жараёнида ўзак таркибининг синиши, фонетик таркибининг ўзгариши билан характерланади.

- **Композиция жараёнида юз берадиган фузия (sandhi ҳолатдаги фузия)** – сўзнинг ички формасини йўқотиш натижасида, яъни морфемалар орасидаги чегаранинг йўқолиши натижасида рўй беради. Демак, фузия тенденцияси фақатгина ўзак ва қўшимчалар орасидаги чегаранинг йўқолиши натижасида юзага келган “сингиб кетиш” жараёнини эмас, балки мустақил маъно қимматига эга бўлган икки морфеманинг бир-бирига “сингиб кетиш” ини ҳам ифодалайди деб тушуниш лозим.

8. Кузатишларимиз шуни тасдиқлайдики, ўзбек тили мисолида қуйидаги фонетик ва морфонологик ўзгаришлар “фузия” нинг юзага чиқишини таъминлайди: а) фонетик ҳодисалар: ассимиляция, аккомодация, синкопа, афerezис, элизия, синерезис, гаплогия, метатеза; б) морфонологик ўзгаришлар: аблаут, умлаут, ички флексия, ташқи флексия, соддалашув.

9. Фузиянинг адабий (стандарт) тил ва жонли нутқ (шева) да қай даражада кузатилиши, уларнинг бир-бирига бўлган муносабатидан келиб чиққан ҳолда илмий хулосалар чиқариш ҳам илмий аҳамиятга эга. Ўзбек тилида учрайдиган фузияни тил ва нутқ сатҳига бўлган муносабатидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

а) тил сатҳида мавжуд бўлган (узуал) меъёрий фузия;

б) нутқ сатҳида яшайдиган (окказионал) номеъёрий фузия.

10. Ўзбек тилида фузиянинг учрашига сабаб бўлувчи омиллар, бизнингча, қуйидагилардир:

а) сингармонизм агглютинация техникасини таъминловчи ва мустаҳкамловчи (цементловчи) омил сифатида намоён бўлади. Чунки бунда морфемалар орасидаги чегара бузилмайди, балки чап қисм (ўзак) ва ўнг қисм (қўшимча) орасидаги чегара янада мустаҳкамланади. У ўзбек тилининг тарихий

тараққиётида кузатилган, лекин ҳозир сингармонизм ўзбек тилида барқарор фонетик қонуният эмас, у айрим ўзак сўзлардагина сақланиб қолган ва шеваларда ҳам сингармонизм излари учрайди. Сингармонизмнинг ўзбек тилида йўқолиб бораётганлиги фузия тенденциясининг тезлашишига олиб келади;

б) ўзбек тилида сингармонизмга тескари йўналишда бўлган умлаут ҳодисасининг мавжудлиги морфемалар орасидаги чегаранинг бузилишига олиб келади ва фузияни юзага чиқаради;

в) фонетик тежаш принципи бўйича кўп бўғинли сўзларда айрим бўғинларни ва товушларни тушириб қолдириш ва бу билан кам фонацион энергия сарфлашга интилиш тенденцияси ўзбек тилида фузиянинг юзага чиқишига олиб келади;

г) талаффуз қулайлиги нуктаи назаридан ўзак ва қўшимчалар таркибида айрим ўзгаришлар юзага келади. Демак, талаффузда ноқулайлик (hiatusa) ни юзага чиқарувчи омилларнинг йўқотилиши ҳисобига ҳам фузия юз беради.

11. Агглютинатив тил ҳисобланган ўзбек тилида фузия унсурлари учраганидек, фузион тил ҳисобланган инглиз тили материалида ҳам агглютинация унсурлари кузатилади. Мавжуд мисолларни умумлаштириб, инглиз тилидаги агглютинация унсурларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: а) сўз ясалиши жараёнида учрайдиган агглютинация; б) форма ясалиши жараёнида учрайдиган агглютинация.

12. Замонавий инглиз тилида (Modern English) фузия тенденциясига қараганда агглютинация тенденциясининг кучайганлиги кузатилмоқда. Бу шуни билдирадики, ҳеч бир тилда муайян тип ўзгаришсиз яшамайди, балки тарихий тараққиёт натижасида ҳар бир тилда муайян типологик ўзгаришлар юз беради, тилда бир тип унсурлари сусайиб, иккинчи бир тип кучайиб бориш тенденцияси кузатилган нукта тил тизимидаги бифуркация ҳолатига мисол бўлади. Масалан, қадимги инглиз тилида (Old English) фузия устувор бўлган, лекин замонавий инглиз тилида (Modern English) агглютинация тенденцияси кучаймоқда. Демак, инглиз тилидаги фузион – агглютинативлик белгиси унинг бифуркация босқичида эканлигини кўрсатади.

13. Синергетика бугунги кунда **“метафан”** (юнонча metha – “кейин”, “барча фанлардан кейинги”) вазифасини бажариши лозим, ундаги қонуниятлар универсаллик касб этиб, уни барча фанлар “ўзиники” ҳисоблаб, улардан фойдаланади. Америкалик олим Т.Кун ўзининг “Structure of scientific revolution” (“Илмий инқилоб структураси”) асарида ёзишича, илм-фандаги инқилоб ҳодисага ёндашувнинг ўзгариши ва парадигманинг янгиланиши билан ўлчанади. Шу маънода синергетикани XX–XXI асрлар фан парадигмаси сифатида деярли барча фан соҳалари, шунингдек, тилшунослик учун ҳам методологик асос сифатида қабул қилиш мумкин.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Раҳимов А. Тиллар морфологик таснифининг нисбийлиги хусусида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2004. - № 1. - Б. 21-23.
2. Раҳимов А. Тилшунослик тарихидаги ғайриилмий қарашлар // Бакалаврият талабаларининг илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, Ўзбекистон Миллий университети, 2005. - Б. 138-140.
3. Раҳимов А. Миллий ғоя миллат тараққиётининг стратегияси ва илмий тадқиқотларнинг таянч методологик асоси (тилларнинг типологик хусусияти мисолида) // Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий методологик асоси: Илмий мақолалар тўплами. – Андижон, Андижон давлат университети, 2008. - Б. 205-210.
4. Раҳимов А. Агглютинация жараёнидаги фузия // Филологиянинг долзарб муаммолари: Илмий-назарий анжуман материаллари. – Фарғона, Фарғона давлат университети, 2008. - Б. 163-165.
5. Раҳимов А. Ўзбек тилида нерегуляр фузия ва уни ўқитиш муаммолари // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2008. - № 6. - Б. 39-43.
6. Раҳимов А. Фузия ва агглютинацияни квантитатив метод ёрдамида тадқиқ этиш (ўзбек тили мисолида) // Илмий хабарнома. – Андижон, Андижон давлат университети. 2008. - № 1-2. - Б. 89-91.
7. Раҳимов А. Тиллар типологик белгиларининг синергетика тамойиллари асосидаги талқини // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2008. - № 4. - Б. 133-135.
8. Rakhimov A. Methodological reflection in linguistic typology (samples of quantitative approach) // Объединенный научный журнал. – М., 2008. - № 12. - С. 36-38.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Раҳимов Азаматжон Усманжановичнинг 10.02.19. – Тил назарияси ихтисослиги бўйича “**Фузия лисоний типини квантитатив ва синергетик ёндашув асосида тадқиқ этиш (ўзбек тили мисолида)**” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: морфологик тасниф, лисоний тип, фузия, агглютинация, флексия, квантитатив метод, синергетика, флуктуация, бифуркация, хаос, коэволюция, тилларнинг политипологик хусусияти, синергетик парадигма.

Тадқиқот объектлари: тилларнинг структурал-типологик белгилари, политипологик характери, лисоний типлар.

Ишнинг мақсади: фузия лисоний типининг моҳиятини ўзбек тили мисолида очиб бериш, уни таснифлаш, синергетика тамойиллари ва миқдорий параметрларни ўзбек тилига татбиқ этиш.

Тадқиқот методлари: тавсифлаш, сўзни изоҳлаш, таснифлаш, этимологик таҳлил, қиёслаш, квантитатив метод, дистрибутив метод.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: 1) тилларнинг морфологик таснифига синергетика тамойиллари асосида ёндашилди; 2) фузия ва флексия ҳодисасининг ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланди; 3) ўзбек тилшунослигида фузиянинг кўринишлари ўрганилди, таҳлил этилди ва таснифланди; 4) тилларнинг типологик белгилари - фузия, агглютинация, аналитизм, синтетизм, реляция, суффиксация, префиксация квантитатив метод ёрдамида ўзбек тили мисолида тадқиқ этилди; 5) тилларнинг политипологик характери инглиз тилида агглютинация, ўзбек тилида фузия унсурлари мисолида қиёсий таҳлил этилди.

Амалий аҳамияти: умумий тилшунослик, тиллар типологияси ва ўзбек тили морфонологиясига бағишланган дарслик ва ўқув қўлланмалари тузиш учун асос бўла олади, назарий семинарлар ва махсус курслар учун материал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўзбек тилидаги фузия унсурларининг миқдорий характеристикаси таржимон дастурлар учун тайёр лингвистик таъминот сифатида қўл келиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Диссертация натижаларидан Андижон давлат университетида “Тилшунослик назарияси”, “Умумий тилшунослик”, “Тилшунослик тарихи” курсларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: назарий тилшунослик, умумий тилшунослик ва лингвистик типологияда. Олий ўқув юртларининг филология йўналишида (бакалавриатура ва магистратура) умумий тилшунослик, лингвистик типология, туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

Диссертации Рахимова Азаматжона Усманжановича на тему: «**Исследование фузии на основе квантитативного и синергетического подхода (на материале узбекского языка)**» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.19. – Теория языка

Ключевые слова: морфологическая классификация, языковой тип, фузия, агглютинация, флексия, квантитативный метод, синергетика, флуктуация, бифуркация, хаос, коэволюция, политипологический характер языков, синергетическая парадигма.

Объекты исследования: структурно-типологические признаки языков, политипологический характер языков, языковые типы.

Цель работы: 1) раскрыть сущность фузии и классифицировать на материале узбекского языка; 2) применить принципов синергетики и квантитативных параметров узбекскому языку.

Методы исследования: описательный, истолкование слова, классификация, этимологический анализ, сопоставление, квантитативный метод, дистрибутивный метод.

Полученные результаты и их новизна: 1) изучена типологическая классификация языков на основе основных принципов синергетики; 2) определены различия и сходства между флексией и фузией; 3) типы фузии изучены и классифицированы на материале узбекского языка; 4) типологические признаки языков – фузия, агглютинация, синтетизм, аналитизм, реляция, суффиксация, префиксация исследованы на основе квантитативного метода; 5) проанализирован политипологический характер языков при помощи сопоставительного изучения агглютинация и фузии в узбекском и английском языках.

Практическая значимость: теоретическая база для создания учебников, учебных пособий в проведении спецкурсов и семинаров по лингвистической типологии и морфонологии узбекского языка; лингвистическое обеспечение для переводческих программ.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Результаты диссертации применяются в чтении учебных курсов “Теория языкознания”, “Общее языкознание”, “История языкознания” в Андижанском государственном университете.

Область применения: теоретическая лингвистика, общее языкознание и лингвистическая типология. Может применяться в системе высших учебных заведений в филологических направлениях (бакалавриатура и магистратура), в курсах общего языкознания, лингвистической типологии и сравнительно-исторической грамматики тюркских языков.

RESUME

Thesis of Azamatjon Rakhimov on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in philological speciality 10.02.19. – “Theory of Language” entitled “**The Investigation of Fusion on the Basis of Quantitative and Synergetic Approaches (on the Example of Uzbek Language)**”

Key words: morphological classification, linguistic type, fusion, agglutination, flexion, quantitative method, synergetics, fluctuation, bifurcation, chaos, coevolution, polytypological peculiarity of the world languages, synergetic paradigm.

Subjects of the inquiry: structural-typological features and indexes of languages, linguistic types.

Aim of the inquiry: a) to reveal the linguistic type of fusion on the example of Uzbek Language; b) to utilize the principles of synergetics and quantitative parameters to Uzbek Language.

Methods of inquiry: descriptive, word interpretation, classification, etymological analysis, comparison, quantitative method, distributive method.

The results achieved and their novelty: 1) the principles of synergetics have been utilized to the typological classification; 2) differences and similarities between flexion and fusion are defined; 3) types of fusion have been studied and classified in the Uzbek language; 4) fusion and agglutination have been investigated by quantitative method; 5) polytypological character of languages is analyzed with the samples of fusion in the Uzbek language and agglutination in the English language.

Practical value: theoretical framework for handbooks and text-books related to general linguistics, linguistic typology and morphonology of the Uzbek language; significant source for seminars and special courses. Quantitative estimation of fusion elements in Uzbek language can be effectively used as a linguistic provision for translation programs.

Degree of embed and economical effectivity: the results of the research are being widely used while delivering lectures on the teaching subjects, “Theoretical Linguistics”, “General Linguistics”, “History of Linguistics” at Andijan State University.

Sphere of usage: Theoretical Linguistics, General Linguistics and Linguistic Typology. The results are applied to the system of higher education, philological speciality (bachelor and master courses), especially in courses General Linguistics, Linguistic Typology and Comparative-historical Grammar of Turkic Languages.

Тадқиқотчи:

Босишга рухсат этилди 13.10.2009й.
Ҳажми 1.5 б/т Формати 60/84^{1/16}
Нусхаси 100 дона. Буюртма № 80
ТАЙИ босмахонаси